



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 9 сентябрь, № 176 (6359) Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида “2015 — 2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” мавзuida республика конференция-семинари бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назорат қилувчи ва суд органлари, қатор вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган хусусий сектор ва фермер хўжаликлари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад 2015 — 2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий янгилаш ва диверсификациялашга оид Дастурнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида давлат, назорат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар олдида турган ишларни муҳокама қилишдан иборатдир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлол йилларида хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоялаш, иқтисодиётда



### ■ КОНФЕРЕНЦИЯ

унинг ўрнини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес шароитини янада яхшилашга доир қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар узлуксиз такомиллаштирилганлиги соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат туфайли, жаҳон иқтисодиётида инкрузиоли ҳодисалар ҳамон кузатилаётганига қарамастан, республикада иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаяпти. Айни пайтда Ўзбекистон дунё миқёсида жадал ривожланаётган давлатлар орасида бешинчи ўринни эгаллаб тургани, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Шунга мос равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани диққатга сазовор. Жумладан, юртимизда 2000 йилда 149 минг 300 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, ўтган йилга келиб, уларнинг сони ярим миллиондан ошиб кетди. Ишбилармонларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улу-

ши 56 фоизга, бандликдаги ҳиссаси эса 77,2 фоизга етди. Шу билан бирга, ўтган йили уларнинг саноатдаги улуши 31,1, экспортдаги ҳиссаси эса 26 фоизни ташкил этди. Қубонарлиси, жорий йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини 56,7 фоизга, яна тўрт йилдан сўнг эса 68,2 фоизга етказиш мўлжалланаяпти. Бунинг учун асослар етарли, албатта. Чунки, Президентимиз таъкидлаганидек, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф қилиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини қисқартиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил бошида бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу Дастурда иқтисодий ўсишнинг бош омили бўлган хусусий секторнинг бозор механизмининг такомиллаштириш, унинг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган 7 та асосий йўналиш қамраб олинган. Иқтисодиётда давлат иштирокини кескин қисқартириш ва хусусий мулк улуши ҳамда аҳамияти-

ни ошириш, тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, корпоратив бошқаруving замонавий усулларини жорий этиш масалалари шулар сирасига киради. Мазкур долзарб вазифаларни амалга ошириш давлат органлари ва тадбиркорларнинг фаолиятини муволазимида этироф этилаётгани билан бирга, таркибий ислохотларнинг янги босқичи давлат ҳамда бошқа бизнеснинг ўзаро ҳамкор бўлиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва ташқи муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қилишни назарда тутди.

Дастурда белгиланган вазифалар Жаҳон банки, Осие таррақийет банки, Халқаро молия корпорацияси ҳамда бошқа бир қатор ривожланган хорижий давлатлар экспертлари томонидан этироф этилаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Мамлакатимизда хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга бундан-да кўпроқ эркинлик бериш, дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни олиб ташлаш борасида тизимли ишлар амалга оширил-

моқда. Хусусан, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базаси тубдан қайта кўриб чиқилиб, тўлиқ янгиланиши туфайли биргина 2012 — 2014 йилларда хусусий мулкнинг ролини ошириш ҳамда ҳимоясини кучайтиришга доир 15 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Охириги тўрт йилда эса 167 та рухсат бериш, 19 та лицензияланадиган фаолият тури бекор қилинди. Рухсат бериш характеридаги ҳужжатларни расмийлаштиришдаги йиғимлар 2 баробар камайди. 65 та статистик, 6 турдаги солиқ ҳисоботи амалиётдан чиқарилди.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилувчи навбатдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев ва бошқалар хусусий тадбиркор-

ликнинг иқтисодиётимиздаги ролини кенгайтириш ҳамда ўрнини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, соҳа вакилларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириб бориш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ҳамда рағбатлар яратишга қаратилган ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Чиндан ҳам, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришга замин яратган бўлса, жорий йилнинг 21 августдан эътиборан қуна қирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун эса Дастурни ҳаётга татбиқ этишда айни муддао бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда). >>>

## ЭЪТИРОФ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига билдирилган табрикларнинг келиши давом этмоқда. Куйида Германия Федератив Республикаси ишбилармон ва илмий-академик доиралари вакиллари томонидан йўлланган самимий кутловлар ўз ифодасини топган.

## «Ўзбекистон эришган муваффақиятлар чуқур ўйланган миллий тараққиёт стратегиясининг натижалари ҳисобланади»

**Ян-Хендрик Мор, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, «CLAAS» компанияси бошқаруving аъзоси:**

— Мен ҳозирги пайтда ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари барча йўналишда, шу жумладан, иқтисодиёт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганидан жуда мамнунман. Жорий йилда Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг тузилгани ўзаро манфаатли алоқаларни янада чуқурлаштиришга ҳар икки мамлакат ишбилармон доиралари бирдек қизиқиш билдираётганидан далolat беради.

Компаниямиз республикада кўп йиллардан бери фаол иш олиб бормоқда. Тошкентда самарали фаолият кўрсатаётган «UzCLAAS Agro»

қўшма корхонамиз ўзбек шериклар билан ўзаро ҳамкорликда комбайн, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқармоқда. Биз яқин йиллар ичида ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ниятидамыз. Хусусан, республикада трактор ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. «UzCLAAS Agro» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган техникалар экспортга чиқарилишига умид қиламыз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини кутлуг сана — мамлакат мустақиллигининг 24 йиллиги билан чин дилдан кутлар эканман, республикага аҳолисига тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

(Давоми 3-бетда). >>>

## Юрт равнақига дахлдорлик ҳисси

Юртимизнинг барча жойида бўлган каби Намангандаги таълим муассасаларида ўтказилаётган Мустақиллик дарсларида ҳам ёшлар фаол иштирок этмоқда.

### ■ МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

Хусусан, Наманган давлат университети қошидаги академик лицейда “Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилаётган машғулотларда Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китоби, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил май ойида Самарқандда “Урта асрлар Шарқ алломалари ва

(Давоми 4-бетда). >>>

## Қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилмоқда

Бугунги кунда мамлакат аҳолиси соғлигини муҳофаза қилиш, одамларни сифатли гўшт ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар янги таҳрирдаги “Ветеринария тўғрисида”ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишмоқда.

### ■ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Унда парламент кўйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Йиғилишда ўтган даврда қўмита ҳузуридаги экспертлар, ветеринария соҳасининг етакчи мутахассислари ва олимлари, амалиётчилар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакилларида иборат ишчи гуруҳи ушбу қонун лойиҳаси устида фаол иш олиб боргани, пировардида турлича фикрлар ва қарашлар, таклиф ҳамда тавсиялар, бахс ва мунозаралар асосида лойиҳа маромига етказилгани қайд этилди.

Бу галги муҳокама ҳам Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари аъзолари томонидан сайловда дастур ҳамда электротар манфаатлари ҳимоясидан келиб чиққан ҳолда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

— Биз қонун лойиҳасида хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кенроқ ҳимоя қилиш мақсадида қатор таклифларни илгари сурдик ва уларнинг лойиҳага киритилишига ҳаракат қилдик, — деди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси И. Зокиров. — Масалан, хусусий ветеринариянинг ролини кучайтириш, ҳақиқий рақобат муҳитини қарор топтириш мақсадида уларнинг мутахассисларига давлат ветеринария хизмати мутахассислари ога бўлган ҳуқуқлар берилиши таклиф этилди.

(Давоми 3-бетда). >>>

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Хитой Давлат тараққиёт банки билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда молиявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

### ■ СЕМИНАР

Маълумки, Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган бўлиб, ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик иқтисодиётнинг барча йўналишда изчил ривожланмоқда. Хусусан, молиявий соҳадаги алоқалар қўлами тобора кенгайиб, қўллаб-қўлловчи инвестиция-

## Молиявий ҳамкорлик ва истиқбол

вий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаяпти. “Урта Осиё — Хитой” газ қувури, “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида йўлга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари бунга яққол мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, молиявий соҳадаги ҳамкорлик, айниқса, Хитой Давлат тараққиёт банки кўмагида жадал ривожланмоқда. Сабаби, ушбу молия муассасаси энергетика, транспорт, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа

йўналишлардаги турли лойиҳаларни рўйбга чиқаришда фаол иштирок этиб келяпти. Бунда 2006 йилда “Ўзмилийбанк” ва Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилган муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гап шундаки, мазкур молия институтининг бешта кредит линияси Миллий банк орқали ўзлаштирилаяпти. Жалб этилаётган инвестициялар ҳажми эса йил сайин ортиб бораётгани ўртасида иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилган муҳим аҳамият касб этмоқда. Гап шундаки, мазкур молия институтининг бешта кредит линияси Миллий банк орқали ўзлаштирилаяпти. Жалб этилаётган инвестициялар ҳажми эса йил сайин ортиб бораётгани ўртасида иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилган муҳим аҳамият касб этмоқда.

кўрсаткич иккинчи лойиҳада 60 миллион долларни, учинчисида 75 миллион долларни, тўртинчисида 100 миллион долларни ташкил этди. Томирлар ўртасида шу йилнинг январь ойида имзоланган битимга кўра, иқтисодиётимиз тармоқларига 150 миллион доллар миқдоридеда кредитлар ажратилмоқда. Унинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун йўналтирилаяпти.

(Давоми 3-бетда). >>>





# «Нима қилдик Ватан учун?»

Жиззахда истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан «Нима қилдик Ватан учун?» ҳамда «Биз, ёшлар гиёхвандлик ва терроризмга қаршимиз!» шиорлари остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.



(Давоми. Бошлангиш 1-бетда).

Таъкидлаш лозимки, ёшларимиз кўлга киритаётган юксак марралар замирида юртимизда уларнинг таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуимиллий дастури сингари мустақкам ҳуқуқий асослар мижасам. Фарзандларимиз яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, пухта билим олиш, касб-хунар сирларини эгаллашга астойдил интилишмоқда. Қувонарли жиҳати, уларнинг қалбид...

# Юрт равнақига дахлдорлик ҳисси

ватанпарварлик, юрт тарихидан гурурланиш, истиқлол ғояларига садоқат, миллий кадрларимизга ҳурмат туйғуси тобора юксалиб бораётир. Буни, масалан, 1750 нафар ўғил-қиз тахсил олаётган мазкур таълим муассасаси мисолида ҳам кўриш мумкин. 115 нафар юқори малакали педагог мэхнат қилаётган жамоада ўқув жараёни бугунги талаб даражасида ривожлантириш, илгор услублари амалда кенг қўллашга катта эътибор қаратишмоқда. Ўтган ўқув йили якунида 305 нафар битирувчининг олий...

қув юрти талабаси бўлгани ушбу мақсад сари интилишлар ижобий натижа бераётганини яққол ифода қилади. Шу йилнинг 10 сентябргача давом этадиган Мустақиллик дарсларига профессор-ўқитувчилар, фан номзодлари ҳамда тажрибали педагоглар жалб қилинган. Машгупларда давлатимиз раҳбарининг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» асарига ҳақида сўз юритилиб, мазкур китоб ёшларимизнинг мустақилликнинг...

кадр-қимматини чуқур аниқлаш, миллий ва умуминсоний кадрларга ҳурмат руҳида камол топишида муҳим ўрин тутиши таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, ушбу китобда Ватанимиз тарққийнинг муҳим борақичлари, жумладан, унинг яқин ўтмиши, бугуни ва истиқболдаги вазибалар қўллаб ҳаётини мисоллар билан очиб берилган. У орқали «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган саволга муфассал жавоб олиш мумкин. — Биз чиндан ҳам бахтиёр авлодимиз, — дейди...

лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Исқандар Немаматиллаев. — Таълим мақсимизда фан асосларини жаҳон андозалари даражасида эгаллашимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Янгица педагогик технологиялар асосида ўқазилаётган машгупларда етарлича сабоқ олиш, дунёқаршимизни кенгайтириш, тафқуриимизни янада нархлаш имкониятига эга бўлаёмиз. Мустақиллик дарслари эса билимимизни янада бойитишга катта туртки берапти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Жумладан, тадбир доирасида Пахтакор, Зарбдор, Зафаробод туманларида бўлиб ўтган давра сўхбатлари, музика машгуплари ҳамда концерт дастурлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Янгибод туманидаги музика ва санъат мактабидан уюштирилган маҳорат дарслари, Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйдаги учрашуларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар замирида инсон омили, хусусан, ёшларимизни баркамол авлод этиб вояга етказишдек эзгу ғоялар мижасам эканлиги таъкидланди.

## ■ ФЕСТИВАЛЬ

«Нима қилдик Ватан учун?» ҳамда «Биз, ёшлар гиёхвандлик ва терроризмга қаршимиз!» шиорлари остидаги ёшлар фестивали Самарқанд вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

ли Ўзбекистон ёшлари ҳеч қандам кам эмаслигини яна бир қарра исботлашга муваффақ бўлди, деб ўйлайман.

Ушбу фестиваль бизда алоҳида таассурот қолдириди. Жойлардаги учрашуларда ўз натижаларимиз, спортнинг инсон саломатлигидаги ўрни ҳақида гапириб бердик. Уч кун давом этган акция доирасида ёш рассом ва ижодкорларнинг асарлари, миллий хунармандчилик буюмлари ҳамда ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар кўргазмалари ҳам уюштирилди. Ёшларни гиёхвандлик ва бошқа иллатлардан огоҳ этиш ҳақида асарига бағишланган буклетлар, кўргазмаларни воситалар тарқатилди. Фестиваль якунида Самарқанд педагогика коллежи амфитеатрида таниқли санъаткорлар иштирокида гала-концерт намойиш этилди. Тожидин ҚАМАРОВ, Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари.

# Ўзбекистонда Хитой киноси кунлари

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида Хитой киноси кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

## ■ САНЪАТ

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчиқониси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Хитой дипломатик миссияси ходимлари ва делегацияси аъзолари, кинорежиссёрлар, актёрлар, мамлакатимиз киносанъати намояндалари, санъатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

санъат соҳасида ҳам тобора мустақамлашиб бораётганини таъкидлашди. Хусусан, кинематография йўналишида самарали ҳамкорлик олиб борилапти. Жорий йилнинг 10 сентябргача давом этадиган мазкур тадбир бунинг яна бир ёркин ифода-сидаир. — Намойиш этиладиган фильмлар хитойликларнинг ўзига хос маданияти, урф-одати, санъати ҳақида тасаввур уйғотди, — дейди Хитой Халқ Республикаси Мат-

буот, наشريёт, кинематография, радиоэштириш ва телевидение ишлари бўйича давлат бошқармаси вакили Луань Чжиго. — Айтиш жоизки, тадбирлар доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда «Ўзбекино» Миллий агентлигида Хитой делегациясининг ижодий учрашувлари бўлиб ўтди. Ишонимизки, ушбу анжуман икки халқ ўртасидаги маданият алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хитой киноси кунлари дастуридан Ван Жингуаннинг «Или дарёси», Вэй Шеннинг «Паром», Чэн Ган суратга олган «Чет эллик энага», Вонг Карвайнинг «Буюк уста» фильмлари каби бир қатор киноасарлар ўрин олган.

Тадбир «Тяньшань» кинофабрикаси томонидан суратга олинган «Чин севги» бадиий фильми намойиши билан бошланди. Унда бош қаҳрамон Ханифа умр йўлдоши билан бирга, олти миллатга мансуб ўн тўққизта болани асраб олгани, рўзғори ҳаминқадар бўлса-да, турмушининг барча қийинчилигига дош бериб, уларни катта ҳаётга йўллагани ҳаётини воқеаларга асосланган ҳолда, таъсиран усулда ҳикоя қилинган. Шу орқали инсоннинг, айниқса, онанинг фарзандига бўлган буюк муҳаббати ифода этилган. Фильм томошабинларда катта таассурот қолдириди.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**О'ZSANOATQURILISHBANK АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»**

томонидан стратегик инвесторларга тақлиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқорорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармоийи ижросини таъминлаш мақсадида АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» балансидеги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга тақлиф этади:

**«Elite Stars Textile» МЧЖ** — пахта толасидан калава ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.  
**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Фаргона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.  
**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.  
**Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

**Маълумот учун АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»** Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. **Телефон/факс:** (0-371) 120-45-64, 120-36-29.  
**E-mail:** info@uzpsb.uz **Веб-сайт:** www.uzpsb.uz

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**

# Олий ҳарбий божхона институти

худудини ўраб турган чегара қисмига оғохлантирувчи қурилмаларни ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда тегишли лицензия ҳамда рухсатномага эга бўлган корхона ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**Буюртмачининг бошланғич баҳоси:**  
— 133 085 218 сўм ҚҚСсиз;  
— 159 702 262 сўм ҚҚС билан.

Танлов ҳужжатларини сотиб олиш нархи 130 240 сўмни ташкил этади. Тўлов буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗ ОХБИ ҳисоб рақами: 21506000303905369002, банк МБ ТШБ ХХМ, Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР: 204629995, ХХОУТ: 92110.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган корхона ва ташкилотлар танлов ҳужжатларини қуйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

Тижорат тақлифлари танлов ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилиши лозим.

**Тижорат тақлифлари муҳрланган конвертларда эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй, Олий ҳарбий божхона институтида соат 9.00 дан 17.00 гача (яқшанбадан ташқари) қабул қилинади. Кўшимча маълумотлар учун телефон: (0-371) 227-46-56. Ички телефон: 42-80.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**

# Олий ҳарбий божхона институти

эҳтиёжи учун 2 дона сервер компьютери, 2 дона монитор, 2 дона UPS харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратибли рақамланган, тикилиб муҳрланган ҳамда ёпиқ конвертларда устки қисмига танлов номи тўлиқ кўрсатилган ҳолда топширилиши шарт.

Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

• «Техник қисми» сўзлари ёзилган пакетга техник талаблар бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

• «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган пакетга тижорат талаблари бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

**Буюртмачининг бошланғич баҳоси:**  
— 34 060 000 сўм ҚҚСсиз;  
— 40 872 000 сўм ҚҚС билан.

Танлов бўйича тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 200 000 сўм.

Тўлов буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

УРОХБИ х/р: 21506000303905369002, банк: МБ ТШБ ХХМ Тошкент шаҳар, МФО: 00014, СТИР: 204629995, ХХОУТ: 92110.

Кўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уйга мурожаат қилиш мумкин. **Телефон: (0-371) 227-46-56. Ички телефонлар: 42-44, 42-84.**

**«TOU Co.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонаси**

**«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси**

**Махсуос қурилиш техникаларини тақлиф этади.**

**Махсуос қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини тақлиф этади.**

**www.doosaninfrastructure.uz**

Махсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнобод т., Чинобод к., 87-уй.

**Савдо бўлими** **Сервис хизмати**  
Тел.: (+99871) 200-00-27/28. Тел.: (+99871) 200-00-26,  
(+99890) 805-60-52/53. (+99890) 189-71-54, 968-71-79.  
**E-mail: doosansales@uztow.com E-mail: servicedoosan@uztow.com**

Республика Маэнивия тарғибот маркази жамоаси марказнинг Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари

**Тангир САТГАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси Фуқаролик ҳуқуқи кафедрасининг доцентини вазифасини бажарувчи Соҳиба Иноятвога падари бузруковчи **Фозил ГАФАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**

# Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 392 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан шаҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — М. Холматова.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5